

ЖАЛД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 31 май
пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 106 (2668)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJLISINING GAZETASI

Ёшлар учун мустақиллик сабоқлари

Тошкент давлат техника университетида республикамизнинг барча таълим муассасаларида "Мустиқиллик дарслари"ни ўтказишни ташкил этишга бағишланган семинар бўлди. Семинарни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташкил этди.

Семинарда Ўзбекистон таълим тизими раҳбарлари, олий ўқув юрталари ректорлари, қатор лицей ва коллежлар директорлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев семинарни очар экан, миллий истиқлол гоёси ёшларимиз дунёқарашининг асосига айланиши зарурлигини таъкидлади. Ҳозирги талабалар, лицей, коллеж ва мактаблар ўқувчилари яқин келажакда амалга ошириладиган катта ишлар бўсағасида турибди. Шунинг учун улар бундан ўн йил аввал, мамлакатимиз мустиқилликка эришгандан сўнг амалга оширила бошланган ислохотларнинг мақсад ва вази-фаларини аниқ ва теран англамоғи даркор. Утиш даврининг ўзига хос қийинчиликларга қарамасдан, танлаган йўлимиз тўғрилигини, Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган янги давлат қурилиши "Ўзбек модели"нинг истиқ-болроқ эканини вақтининг ўзи исботлаб турибди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тайёр-ланган ва семинар давомида муҳокама қилинган "Ўзбеки-стон: мустиқиллик йўлида 10 йил" фотокўргазмаси бунинг эркин далилидир. Унинг ўзига хослиги шундаки, халқимиз-нинг мустиқиллик учун кураш йўли суҳандон матни ва му-сиқа оҳанглари билан уйғун тарзда намойиш қилинади. Мам-лакатимиз олий ўқув юрталарида ўтказилган биринчи "Му-стиқиллик дарслари"дан маълум бўладики, аудио ва видео таъсирнинг бундай уйғунлиги талабаларга кўргазмада намой-иш этилаётган ҳамда рақамлар ва далиллар билан тасдиқлан-ган фотоматериални тўлиқ англаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳ-атчиси Х.Султонов қайд этганидек, янги ўқув йилидан ўқув дастурларига киритилган "Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар" курсининг бир қисми бўлиши "Мустиқиллик дарслари"ни ўқитиш услубиятини тез фурсат-да ишлаб чиқиш зарур. Фотокўргазмада ўтказишда қўлла-наётган ақбурот беришининг бундай шакли таълимнинг янги, ўзига хос услубидир. У илмий жиҳатдан асосланган ва те-хникчилик мамлакатимизнинг барча ўқув муассасаларига тар-қатилиши керак.

Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Х. Караматов ўсиб келётган авлодди, айниқса, ўқувчи ёшларни истиқлол гоёлари асосида тарбия-лаш бугунги кунда жамиятимизнинг энг муҳим вазифа-лари билан бири эканлигини таъкидлади. Ҳозирда нафақат пой-тахтда, балки юртимизнинг барча шаҳарларида мавжуд кўп-лаб мусейлар, маданий-тарихий мажмуалар бундай тарбиянинг марказларига айланди. "Мустиқиллик дарслари" ҳар бир ўқув-чи, ҳар бир талаба асрлар давомидики курашларда қўлга ки-ририлган мустиқиллик ҳақиқатини нима берганини аниқ ҳис этишни ва англашига ёрдам беради.

Семинарда айтиб ўтилганидек, бу дарсининг ўқув дастур-ларига киритилиши ёшлар орасида мадқуравий бўшлиқни бартараф қилиш, йигит ва қизларни жамиятимиз олдига турган вазифаларни амалга оширишга йўналтириш имконини беради. Шу бонс бундай дарслар бутун ўқув йили даво-мида ўтказилди. Шунингдек, тез орада Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мамлакатимиз мустиқиллигининг 10 йил-лигига бағишлаб "Асрларга татигулик йиллар" мавзуси ости-да бираштираш туркум плакатлар, альбом ва китобчалар чоп этиш ниятида. Бу материаллар асосида махсус ҳужжатли фильм суратга олинади. Буларнинг ҳаммаси республикамиз-нинг олий ўқув юрталари, ўрта махсус таълим муассасалари ва мактабларида "Мустиқиллик дарслари"ни ўтказишда му-ҳим ўқув мабғасига айланади.

Семинар якунланиб, Олий ва ўрта махсус таълим вази-рлигининг кенгайтирилган ҳайат йўлига ўтказилди. Унда республикамиз таълим тизими муассасаларининг раҳбарлари катнашди.

Ингилишчи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта мах-сус таълим вазири С.Ҳудобов бошқарди.

Ингилиш иштирокчилари ўсиб келётган авлодди тарбия-лашда Президент Ислам Каримов томонидан иккинчи қақир-рик Олий Мажлисининг бешинчи сессиясида ўртага қўйилган вазифалар ва бу жараёнда таълим муассасаларининг ўрни билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига эътиборни қучайтириш, ўқитишчиларнинг ёшлар мадания, ахлоқий жиҳатдан жамия-тининг етакчи қатламига айланиши, истиқлол гоёлари ёшлар қатбида ва тафаккурда мустақам қарор топиши, улар ҳаёти-нинг маъно-маъмунига айланишига қаратилган ишларини кенгайтириш зарурлиги ҳақида гапирилди.

Шунингдек, ингилишда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими муассасалари ўқувчиларининг яқинда Жиззах вилоят-ида ўтказилган "Баркамол авлод" биринчи республика спорт ўйналари якунлари, "Универсиада-2002"га тайёргарликнинг бориши кўриб чиқилди. Таъкидландики, бу тадбирлар ёшларни спортга, соғлом ҳаёт тарзига омавий жаб қилиш бўйича республикамизда яратилган тизимнинг таркибий қис-мидир.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА муҳбири.



Термиз туманидаги «Халқобод» жамоа хўжали-гини тилга олишнинг билан термизликлар дарров «Ха, уша илгор хўжаликми?» дейишди. Уларнинг айтганича бор. Чунки гадалчилик дейсизми, пахта-чилик дейсизми, «Халқобод» доимо пейшадимлар қаторида. Хўжалик деҳқонларининг бу илги саёй-ҳаракатлари ҳам чакки эмас. 550 гектар ерга ингичка толали пахта, 600 гектар майдонга галла

экишган. Галла ўрими айни авжида. Мириқиб сув ичган гўзалар эса кун сайин буй чўзаяпти. Айрим майдонларда ҳатто кўсак ҳам пайдо бўлди.

СУРАТДА: хўжалик раҳбари Бахтиёр Қурбонов (ўртада), бригада бошлиғи Файзулла Абдуллаев ва сўчи Рўзимухаммад Жўраев гўзаларни кўздан кечи-ришмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Тадбиркорлар қурултойи

Кеча Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги биносида Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг тўртинчи қурултойи бўлиб ўтди. Унда республика Давлат мулки қўмитаси, Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси вакиллари, вилоят, шаҳар ва туманлар палаталаридан сайланган делегатлар иштирок этди.

Қурултойи бошлангани олдидан Палатанинг иж-рочи органлари сайлаб олинди. Шундан сўнг рес-публика Товар ишлаб чи-қарувчилар ва тадбиркор-лар палатасининг раиси М.Собировнинг 1998-2001 йилларда Палатанинг фа-олияти тўғрисидаги ҳисо-боти ва мамлакатимиз Президенти И.Каримов-

корхоналарни рўйхатга олиш жараёни соддалашти-рилди, кичик ва ўрта биз-нес субъектларига тижорат банклари томонидан мик-рокредитлар ажратиш ме-ханизми фикр туширилди, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг давлат корхоналари билан шарт-номавий муносабатларни мураккаблаштирувчи жа-раёлар бекор қилинди.

Албатта, буларнинг бар-часи республикамизда тад-биркорлик фаолиятининг ривожланишида катта тур-тки бўлмоқда. Бу эса ўз на-батида Палата атрофига 252,6 минг нафар тадбир-корни жипслаганини им-конини берди.

Қурултойда кичик ва ўрта бизнес корхоналарига тўғридан-тўғри хорж ин-вестицияларини жалб этиш муаммолари ҳусусида ҳам тақлифлар билдирилиб, Палатанинг 2001-2004 йил-ларга мўлжалланган режа-си белгилаб олинди.

Қурултойда республика Бош вазири ўринбосари Р.Азимов ва Ў.Исмом-лов иштирок этди.

Б.ОСТОНАҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Комиссия Йиғилиши

Қишлоқ хўжали-гида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республи-ка комиссияси-нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Бош вазири ўринбосари Т.Холтоев комиссия раиси мазкур йиғилишда жор-ий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида мамла-катимиз қишлоқ хўжали-гида иқтисодий ислохот-ларни изчиллик билан амалга ошириш бора-сида олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилди. Жумладан, Бухоро, Но-манган ва Сурхондарё вилоятлари ҳамда ту-манларида ташкил этил-ган ҳудудий комиссия-лар фаолиятлари муҳо-кама этилди.

Шунингдек, Меҳнат ва ижтимоий тоъминот вазирлигининг қишлоқ хўжалиги корхоналарини ширкат хўжалиқларига айлантиришда ва фер-мер хўжалиқларини тошқил этишда вужудга келювотган мейёрдан ор-тиқча ишчи кучларини иш билан таъминлаш-нинг бориши юзасидан ахбороти тинланди.

Муҳокама чоғида қайд этилган камчилик-ларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбеки-стон Республикаси Пре-зидентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўра-беков иштирок этди.

(ЎЗА).

Конституцияни ўрганиш — бурчимиз

Президентимиз Ислам Каримовнинг Конституцияимизнинг 8 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишидаги нутқда ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойишда ҳуқуқшунослар ол-дига ҳам Бош Қонунимизни аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тартиб қилиш борасида кечкириб бўлмаз вазифалар қўйилган эди. Шу бонс ҳозир мамлакатимизда Конституция-имизни ўрганишга қаратилган тарбиёт-ташвиқот ишлари из-чил давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари Б.Миробоев ва Конституциявий суднинг судьяси У.Бозоров шу кунларда Шўрчи, Музробод, Ангор, Термиз, Деҳқонбод, Гўзор, Қарши каби шаҳар ва туманлар-да бўлиб, меҳнаткашлар ўртасида Бош Қонунимизни ўрга-ниш бўйича қизқарган уршув ва суҳбатлар ўтказиб қай-тирди.

Шу билан бирга, улар халқ депутатлари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари кенгашлари 1999 ва 2000 йилларда қабул қилинган қарорларнинг Конституцияимиз талабларига нечоғлиқ мослигини ҳам назардан ўтказди. Ўрганиш натижа-лари мазкур вилоятлар халқ депутатлари кенгашлари қабул қилган қарорларнинг барчаси Конституцияимиз қондаларига мос эканлигини кўрсатди.

(ЎЗА).

Маърифат соати

ТАҲРИРИЯТДАН: Яқинда пойтахтимизнинг Миллий матбуот марказида республикада маърифий-мафқуравий ишларни янада такомиллаштириш, тар-ғибот-ташвиқот ишларни ана шу вазифалар асо-сида ташкил этиш масалаларига бағишланган ан-жуман бўлиб ўтди. Ингилишда Ўзбекистон ишдоқор зиёлилари, фан ва маданият намоёндаларининг мам-лакат жамоатчилигига мурожаати қабул қилинди. Жумладан, ушбу Мурожаатда «жамиятимизда, юрт-дошларимиз, айниқса, ёшлар ўртасида давлат сий-сатимизини моҳиятини, янги жамият, янги ҳаёт қуриш йўлидаги олижаноб интилишларимизни, Ва-тан равиқли, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу гоёларимизни ҳар томонлама теран тушуни-риб боришимиз зарур»лиги таъкидланди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, «Халқ сўзи» газета-си саҳифаларида «Маърифат соати» руқини очии-са қарор қилди. Ушбу руқни остида маърифий ва мафқуравий тарбиянинг долзарб муаммоларини таҳ-лил этувчи чиқишларга мунтазам ўрин берилади. Уйлаймики, ушбу руқни зиёлиларимиз, таълим-тар-бия, фан ва маданият намоёндаларининг маърифий-мафқуравий тарбия борасида ўй ва фикрлари мин-бари бўлиб қолади.

Қуйида шу руқни остидаги биринчи мақолани ўқийсиз.

ДАРСЛИК

**болаларга энг
ноёб совғади**

Пойтахтимиз — серба-рака шаҳар. Масалан, унда бозорлар кўп. Мен-га, айниқса, Тошкентнинг салқин хиёбонларида, гав-жум йўлларида ва майдон-ларида ўз бисотини ёнган китоб бозорлари ёқади. Улар — мўъжизалар боз-ори. Уларда — маърифат, маънавият тарқатилади. Бундай бозорларга кириш киши руҳига роҳат, ҳузур ва тароват бағишлайди. Бироқ китоб растала-рида юриб, китоблар ола-мининг эзгу нафасини кўнгида туйиб роҳатлан-сам, гоҳида шу растала-рда бошқа бир ҳолатларни кузатиб, дилимда ноҳу-шиқ ҳам пайдо бўлади. Масалан, мени китобга муносабат масаласи уйлантиради. Яқинда ки-тоб растасида бўлиб, бир ҳолатни кузатдим: раста-да мактаб дарсликлари сотилапти. Рус тилидаги дарсликларни тез-тез ха-рид қилишяпти. Ҳатто рус мактаблари учун чи-қарилган ўзбек тили дар-сликларини ҳам яқиндаги сотиб олишяпти. Аммо... Ўзбек тилидаги чиқарилган дарсликларнинг хариди суст.

Нега бундайми? Буни қандай изоҳлаш мумкин? Эҳтимол, мен бироз оши-риб юбораётганман. Чунки миллий тилимизда китоблар озмуна чиқа-рилмаяпти. Уларга ўқув-чилар ҳам топилапти. Барибир, китоб растаси-да мен дуч келган ҳолат ҳам ниманидир аналата-ди.

Шу масалаларда бошқа-лардан фикр сўрадим. Ай-рым одамлар, ҳозирги боз-ор иқтисодий шароити-да ҳар бир сўни уйлаб сарфлашга мажбур бўли-напти, деган гапни ай-типти. Майин, бу гапга ҳам асос бор, дейлик. Унда савол туғилади: нима болаларга дарслик китобларини ўз вақтида со-тиб олаётган русизабон ота-оналар биздан бошқа дунёда яшайтипти? Нега улар бундай баҳонани қилишмапти? Яна бир ба-ҳона: китобларнинг нар-хи қиммат эмас. Лекин бундай баҳона ҳам ай-тарди асос йўқ. Минг сўмдан 10 минг сўмга нарх қўйилиб сотилаётган бошқа китоблар ёнида атиги 300-400 сўм нарх-ланган дарсликларни «сўз тексин» деса бўлади. Де-мак, бундай қарашда ҳам асос йўқ. Бунинг устига, болаларимизга зарур ки-тобларнинг бирдан ҳам-масини сотиб олиш шарт эмас. Пул тўғрисида ҳафта биттасини, нариги ҳафта бошқасини харид қилиш мумкин-ку? Ахир чоғондаги улфатчилик-ларга, тўй-ҳашамларга, ҳатто маросимларини ҳам тўлай қилиб ўтказишга пўлимизин аямий сарф-лаймиз-ку! Уларнинг ол-дида болаларимизга ага-дан дарсликларнинг рам-зини нархлари нима бўпти!

Китоблар топилама-пти, дейишга ҳам асос йўқ. Ҳозирги кунда республи-када мактаб дарсликлари ноширлиги тобора шакл-ланибди. «Шарк» ком-панисини, «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», «Фан», «Меҳ-нат» нашриётлари бу со-ҳада китобларни сифати ва миқдори масаласида бири-бирига буй бермай меҳнат қилишяпти. Миллион-милдон нуҳа-ларда китоблар чиқаяпти. Улар сотувга чиқарила-пти ҳам. Фақат — харидор керак. Кўриб туришимиз: давлатимиз, Президентимиз ёш авлод, сизу биз-нинг фарзандларимиз, не-вараларимиз тарбияси йўлида қандай улкан иш-ларни амалга ошириша-пти. Ҳатто биринчи синф ўқувчилари, юз мин-глаб болалар бутун рес-

публикада давлат томони-дан дарсликлар билан бе-пул таъминланмоқда. Кам таъминланган оила-ларнинг болаларига ҳам катта ёрдамлар кўрсатила-япти. Болаларимиз би-лимли, баркамол ўсиин деб, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари очилапти. Миллион-мил-дон доллар сарфланиб, иқтидорли ёшлар «Уми-д» жамғармаси орқали чет элларга ўқишга юбори-ляпти... Биласизми, бу қанча харажат? Лекин давлатимиз миллиардлаб сўмлик бу харажатларни, азбуройи келажакимизни ўйлаб, беминнат ўз зим-масига олаяпти. Биз эса... бағримиздаги жондай азиз болаимизга битта дарслик сотиб олиб беришни арзирли иш деб ҳаслимизга айтарли кел-тирмаймиз. Бу инсофдан-ми? Ҳарқалай, танамизга ўйлаб кўрсак, арзийдиган ҳолат. Ота-онанинг шахсияти — болаларнинг кўз ўнги-даги жонли мактаб. Агар сиз илос билан битта ки-тобни уларга атаб уйга кўтариб келсангиз, бу ҳам бир ибрат. Бола, ўқийши керак экан, ота-онам шунини исташяпти, деган ҳулосага боради. Биз, ўзбекларни «бола-жон халқ», дейишди. Аммо бу болажонлик го-ҳида воғна этиб-етмаган болаларга снгиб автомо-биллар олиб бериб кўнглини овлаш, магнитофон, видео, хорижий жангари ленталарни кет-ма-кет харид қилишлари учун чангал-чангал пул узатиш, кафедалар ўртоқ-лари билан кўнгилодлар ўтиришлари учун аямий пул совуриш шаклларида намоеъ бўлаямизми?! Яъни, биз болаларимизни болалигидан камолотга, маърифатга муҳаббат ру-ҳида эмас, балки маншар-парастлик руҳида тарбия-ламаймизми? Бундай бо-лар билан қандай қилиб мамлакат келажакини таъ-минлаш мумкин? Ҳатто шу ҳилдаги тарбиядан кейин, ёшлигини беҳуда ўтказиб қўйган бу бола-лар эртага ҳаёт синовла-рига бардош бера оларми-кан? Унда нима бўлади? Япониялик ўқувчи бола-лардан аҳвол сўраса, уй-қўга вақт еттишмайди, дей-ишар экан, Чунки Япония оилаларида болалар тар-биясига қаттиқ эътибор қилинади. Уларни бир қарич ёшдан тинмай ўқитишади, ҳаётга тайёр-лашади. Шунинг учун Япония Япония-дир!

Биз ҳам энг ривожлан-ган давлатларнинг тур-муш тарзи — бозор иқти-содийига ўтямиз. Бозор — бу талаб, рақобат. Ке-рак бўлса, қадрлар рақо-бати. Энг ўқиминли, ма-лакали, бирон касбини зар-қарлик билан эгаллаган ва шу истеъодлини ҳафта ҳам кўрсата оладиган ёшлар бозор иқтисодийнинг рақобат шароитида ўзла-рига тўғри йўл топади. Чунки иш билан, хунар-ли одам кўчада қоламайди. Қўзимизни очайлик. Бола-лар тарбиясида замон суратини инобатга олай-лик. Вақт, тараққиёт — олий ҳақам. Бу ҳақам қар-шида болаларимиз охи-р, нотавон бўлиб қола-маслигини ҳаммамиз хо-ҳлаймиз. Болаларга тўғри йўлни — илм, маърифат, касб-малака — йўлини кўрсатайлик. Йўлини кўрсатадиган, хушамлардан че-гирган пўлимизга битта китоб, битта дарсликни олиб беришимиздан ана шу тўғри йўл бошланади. Унутманг, болаларга энг ноёб совғамиз — китоб-лар, дарсликлари.

Михли
САФАРОВ.

Фарзандлар соғлиғи — юрт бойлиғи

Вазирлар Маҳкамасида Бо-даларни соғломлаштириш ва дам олдирини бўйича респу-блика комиссиясининг ана шу масалаларга бағишланган кенгай-тирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2001 йил мавсу-мига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирла-ри муҳокама қилинди.

Ингилишда болаларнинг ёзги дам олиш масканларини моддий-маънавий, маънавий-маърифий ва ташкилий жи-ҳатдан тўла тайёргарлигини таъминлаш зарурлиги алоҳи-да кўрсатиб ўтилди. Шунинг-дек, болаларни оромгоҳларга тартибли ва ушқоқлиқ бил-дан олиб бориш, уларнинг ҳавфсизлигини тўлиқ таъмин-лаш юзасидан белгиланган

тайёргарлик ишлари кўриб чи-қилди. Қорақалпоғистон Рес-публикасидадан 15 минг ва Хо-раزم вилоятидан 5 минг на-фар болани Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги энг сулғам ва энг хушманзара оромгоҳларда бе-пул дам олишини ташкил этиш масалаларига жидалий эътибор қаратилди. Ингилишда ёзги дам олиш масканларини сифати озиқ-овдат маҳсулотлари, транспорт уюштириш, турли мавзуларга қизқарган таловлар, спорт мусобақалари ўтказиш, му-стақиллигининг ўн йилли-гига бағишланган турли тад-бирларни ташкил этиш юза-сидан мутасадди вазирлик ва идораларга тегишли топиш-риқ ва кўрсатмалар берилди.

(ЎЗА).



Башар: ят тарихида кўп марта исботини топган ҳақиқат бор. Ҳар бир давр ўз қаҳрамонларини ўзи юзага чиқаради. Замоннинг муҳим ижтимоий интилишлари, кураш ва қарама-қаршиликлари, яратувчилик ва бунёдкорлик намуналари ана шундай жасур кишилар сиймосида ўз аксини топади.

Филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин КОМИЛОВ билан суҳбатимиз ҳам адабиёт ва санъатда истиқлол одамлари сиймосини яратиб билан боғлиқ бадиий-эстетик масалалар, фидойилик, ижодий фаоллик ва ҳозиржавоблик борасида бўлди.

ЭЛ ДАРДИ БИЛАН ЯШАМОҚ САОДАТИ

— Аввало, шунга таъкидлаш керакки, — деб сўз бошлади адабиётшунос олим, — комил, фидойи инсон тушунчаси анча қадим тарихга эга. Шу боис комил инсоннинг маънавий қиёфасини ажлоларимиз қандай тасаввур этгани ҳусусида мулоҳаза юритсак. Алломаларимиз бу мавзуда қадимда кўп ва хўп асарлар битган. Айниқса, XIII асрда яшаб ижод этган аллома Азизиддин Насафийни комил инсон илмининг назариясига, дейиш мумкин. Унинг «Китоб ал-инсан ал-камил» асарини шахсоннинг етуклиги бир қадар аниқ ва равшан ифода этилган.

«Билгилик, — деб ёзди муаллиф, — комил инсон шундай инсондирки, унда куйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, эзгу ишлар, яхши ахлоқ ва маърифат. Комил инсон учун халққа наф келтиришдан кўра фойдаланганроқ иш ва яхшироқ тоат йўқдир. Ва унинг учун энг улуг роҳат — бирор иш, бирор сўз билан бу дунёда кишиларнинг мушкулларини осон қилиш, оламнинг бало-фитналаридан сақланишга ёрдам беришдир».

Алишер Навоий бобомиз табири билан айтганда: **Кимса юз йил қамроғлик қилса билмас, арзимас, Дахр аро бир ахза бўлмадики бирор қомил била.**

Бу байт, «Юз йил бахтиёр яшашган инсондан бирорини бир ҳаққига хурсанд қилган одам бахтиёрдир», деган фикрни аналтади.

Суҳбат мавзусига келсак, менинча, зикр этилган фазилатлар, фидойилик ва Ватанга муҳаббат замонавий қаҳрамоннинг маънавий қиёфасини аналтувчи асосий белгилар, омиллардир. Комил инсон тушунчаси бугун олдинмишда турган улкан вазифар — фуқаролик жамиятини қўриш, овоз ва обод Ватан учун фидойи фарзанд бўлиш тушунчалари билан чамбарчас боғланган кетди.

Зикр этилган фикрларни жамлаб айтганда бўлсам, замонавий қаҳрамонлари — комил инсонлари ўзига юксак инсоний фазилатларни муҳасам этган, маънавияти юксак, эл-юртга наф келтира оладиган, эзгу ишларни амалга ошираётган, Ватан шарафини, миллат ор-номусини, халқ манфаатини учун қайғурувчи фидойи кишилардир.

Дарҳақиқат, оддий йиптири Фарҳод, одатдаги бир мулкдорини Хотам Тош, факрини пир-аълини қўрган ҳам фидойилардир. Шу маъно-

да, фидойилик ҳам қаҳрамонликнинг бир кўринишидир.

— Гап қаҳрамонлик ҳақида борар экан, ёшларимизда оқлар Павлик Морозов идеал қилиб кўрсатилган асарларни ўқиганимиз. Унда донни яширган ота кўпроқ айбдорми ёки отасини сотган Павлик Морозовми? Умуман, инсон тарбиясида, аввало, ниғома алоҳида эътибор бериш керак?

— Бу ҳусусда фикр билдиришдан олдин Юрбошимизнинг агентлигининг муҳбири саволларига жавобан айтган куйидаги доно ва ҳикматли сўзларини зикр этиш лозим: «Агар биз ўз кучи, салоҳиятига ишонмадик, боқимандликни ор деб билмадик, энг ривожланган мамлакатларнинг илгор кишилари билан тенга-тенг муоамала қила оладик, оқин қоралдан, яхсини ёмондан ажрата билмадик, бу мураккаб, бешафкат ҳаётнинг пасту баланд, тангу тор кўчаларида Оллоҳ берган ақл-заковати билан тўрт йўлни аданмай топа олмадик қодир бўлган баркамол авлодга тарбиялаб етиштирсак, ўйлайманки, ўз мақсадимизга тўла эришган бўламиз.»

«Фидойилик» кўрсатган Павлик Морозов ҳам, унинг отаси ҳам бирдек айбдор. Негаки, уил ўз отасини сотди, оқларидан қилди. Унинг бу қадар беъмехр, қаттабин ва худбин бўлиб етишишида эса ота айбдор. Агар ўғлини ахлоқли, меҳр-оқибатли, ақл-заковатли қилиб тарбиялаганда эди, у ўз мақсадига эришишга, «қаҳрамонлик» намунасини кўрсатишга ҳар қанча кучли иштиёқи бўлганда ҳам, бу йўлни тутмас, аксинча, бирор чорасини топган, жила курси бу ҳақда унга айтган бўлар эди.

Энди масаланинг яна бир, менинча, энг муҳим жиҳати-га эътибор берилайлик. Аёнки, қаҳрамонлик кўрсатиш учун бажан инсон ўз жонини фидо этишга, бу билан ўз яқинларига озор етказишга тўрт келади. Хўш, Павлик Морозовни қаҳрамон деб аташ мумкинми? Албатта, йўқ. Чинакам қаҳрамонлик асосида яхши ахлоқ ва инсонийлик ётади. Бу сўз қаҳрамонликни даъво қилиб бўлмайди.

Мамлакатимизга суқилиб киришга уринган террорчи тўдаларга қарши курашга отанди, Ватанимизнинг мустақиллигини асраб қолиш учун, ота-она, эл-юрт тинчлиги учун жонини фидо этган юртошларимиз чинакам қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Халқимизнинг ана шундай мард ўғлонларини бир оқлардан билан асло таққосламоқчи эмасман, балки уларнинг қаҳрамонликлари юксак ахлоқ меъаси эканини, қаҳрамон яхши ахлоқ бўлишини таъкидламоқчиман. Қаҳрамонларимиз-

нинг муқаддас ёдини барчамиз қалб тўрида эъзозлаймиз, улардан ибрат оламиз, фарзандларимизга намуна қилиб кўрсатамиз.

Назаримда, уларнинг қаҳрамонликларининг ибратли томони шундаки, жон фидо этишларидан яқинларига озор етган бўлса-да, оқ сўт бериб, тарбия қилган ота-оналари ҳам, эл-юрт ҳам улардан мингдан минг рози бўлди. Одамлар «менинг ўғлим ҳам шундай жасурат кўрсатса рози бўлар эдим», дея ҳавас қилдилар. Қаҳрамонларимиз миннатдор халқимиз хотирасида абадий қолади, қариндошлари «менинг жигарим улугвор иш қилган», дея фахрланиб юради. Чинакам қаҳрамонлик олқини-фахрда энг муносиб хайри амалдир.

Тарбия масаласига келсак, худди шу қаҳрамонларимизнинг яқинлари, маҳаллаюшларини, дўстлари улар ҳақида билдирган фикрлари билан жавоб бермоқчиман. «У лоқайд эмас куюнчақ, худбин эмас меҳрибон, жиззаки эмас мушоҳадали, сурбет эмас ориятли йигит эди», дейишган бўлади. Мана шу сифатларни тарбиялаб олган ота-она фарзандини тўрт тарбия қилдим, юзим ёруғ бўлади, деб ният қилса ҳеч ҳам алашмаган бўлади.

— Давр қаҳрамонларининг бадиий сиймосини яратишда асосий мезон нима?

— Атоқли адбимини Абдулла Қодирий «Уткан кунлар» романини ёзишдан аввал Марғилон кўчаларини чойналаридега кезган, одамлар билан қўллаб суҳбатлар курган, изланган экан.

Мақсад — асар қаҳрамонлари кечирган ҳиссиётларини «таъби қўриш», уларнинг кечинларини ва руҳий ҳолатларини тасаввур этиш бўлади. Муаллиф асар қаҳрамонларининг меҳру вафосини, ориятли, одамгарчилигини ўзига тасаввур қилгани, идрок этгани боис «Уткан кунлар» ўзига хос таъсирчан чиққан. Бу асарнинг ханузгача қўлма-қўл бўлиб ўқилаётганининг сабаби ҳам шунда.

Ёки Абдулло Раипов ва Эркин Воҳидовнинг «Ўзбекистон», «Ўзбекистон» шеърларини олайлик. Бу мавзуда битилган шеър қаммида? Бу шеърларнинг муваффақият қозониши сабаби шоир битаётган мавзусини қалбдан ҳис қилганида, юракдан ёганидир.

Шундан келиб чиқиб, инсонча билан айтиш мумкинки, қаҳрамонлар бадиий сиймосини яратиб учун ижодкор, аввало, ўзи шундай комилликка дахлдор бўлмоғи лозим. Аминан, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини мана шундай асарлардан баҳраманд ҳолда англаган инсон оқини қоралдан, яхсини-

ни ёмондан ажрата олади, кучли мафқуравий иммунитет соҳиби бўлади. Бундай инсонга ҳеч қандай ёмон иллат «юқмайди».

Биз юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида баркамол авлодга овоз ва обод Ватан қолдиришни мақсад қилган эканмиш, бугунги адабиётимиз, санъатимиз мана шундай одамлардан бири шу эмасми?

Кишининг фидойилиги, Ватанга муҳаббати, аввало, гузарда, маҳаллада билинади. Маҳалла ахли одамларнинг юриш-туруши, оила тутиши, худқ-атворига қараб баҳо беради. Яъни одамлар обрў-эътиборини, аввало, маҳаллада қозонадилар. Одамнинг қамолоти, маънавий етуклиги ҳам ўз маҳалласи, жамоасидаги мавқеи, обрўси билан ўлчанади. Мана шу обрў-эътибори кенгайиб, тобора ривожланиб, бутун жамият, мамлакат мийқисига қўтарилиши мумкин.

Аслини олганда, комил инсонлар кўпчиша шу тарихда кашф этилади.

— Сизнингча, комил инсон учун ҳаётда, турмушда энг азиз ва энг муҳим нарса нима?

— Комил инсонларнинг буюклиги шундаки, улар маънавиятини моддий дунёдан устун қўйлашади. Моддий дунёни мақсад деб эмас, балки восита деб билдилар. Кўнгл улур учун Катба, илоҳ ва саждаго қабилар.

«Насойим ул- муҳаббат» да келтирилган қуйидаги ҳаётий воқеага эътибор берилайлик. «Исмоил Даббос дедиким, ҳаж нияти қилиб, борурда Шерозга етишим. Бир масжидга кирдим, ўтириб хирқасин ямайду эрди, салом қилдим ва ўлтирдим. Мендан сўрдиким, не ниятинг бор? Дедим: ҳаж ниятим бор. Дели: онанг борми? Дедим: бор. Дели: ёниб (қайтиб) онанг мулозиматида бор... Мен эллик ҳаж қилибман — бош яланг, оёқ яланг ва зоду ҳамроҳим. Барчасин сенга бердим, сен онанг кўнгли шодлигин менга бер!»

Қаранг, маънавияти ҳамма нарасидан устун қўйиб, кўнглини шод этишни нақадар улур ва савобли иш деб билди комил инсон. Ўзилдан бошқани кўнглини олиши ва ўзгаларга наф етказиши, бу бундай ҳар қандай машаққатга тайёр туриш қомилликка элтүүчи йўл эмасми?

Бундай маънавияти юксак одамлар — ҳар бир жамиятнинг онги ва қалби, тирик виждони. Элим деб, юртим деб ёниб яшовчи, меҳнат қилүүчи, одамларга ибрат кўрсатиб, яхшилик уруғини соғувиш комил инсонлар даврининг чинакам қаҳрамонларидир. Биз улардан қанча ўрнақ олсак, уларнинг қандай эъзозласак арзийди. Шунда биз ҳам комиллик сари бир қadam ташлаган бўламиз.

Элбек ХОЛИҚОВ суҳбатлашди. (ЎЗА).

ни кўраимиз. Бу комил инсоннинг маънавий ёниқ қалби, улуг ишларга сафарбар этүүчи таълимоти, фидойилиги ҳаммамизга ибратдир. Ватанин севишни, эл-юрт дарди билан ёниб яшашни, меҳнат қилишни, тафаккур теранлигини шу инсондан ўргансак арзийди.

Халқ тилидаги «яхши одам», «бамаъни одам», «беозор одам», «ҳамиятли одам», «кўнгли тоза одам» каби баҳо ва сифатлашларда гап кўп. Халқ ўз тажрибасида обдон синаб, кейин бундай сифатларни ҳаётда қўллашади.

Халқ наздида ана шундай эътиборга сазовор инсонга ҳавас қиламай, эргашмай бўладими? Айтинг, инсонни қомилликка чорловчи омиллардан бири шу эмасми?

Бугун уч-тўрт киши тўпланган жойда суҳбат мавзуси дарров фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилаётган сайловларга бурилади. Маҳалла, қишлоқ ва шаҳарча фуқаролар йиғини раислигига кимнинг сайланиши ҳаммани бирдай қизиқтирапти. Албатта, оқсоқол фаолиятини ҳар ким ўзича талқин қилади. Ва гадаги сайловда узларига етакчиликка муносибларнинг муносибини танлашга интилади.

Тошкент вилоятидаги шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалларда ҳам сайловга тайёргарлик шу рўда ўтапти. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказиши ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисидаги намунавий низомига кўра, оқсоқоллик қўштинрадиган, ташаббускор ва тажрибали, обрў-эътиборли инсонларнинг номзодларини кўрсатишга ҳаракат қилинапти.

Сайловни ташкилий жиҳатдан уюшқорлик билан, қонун ҳужжатлари билан ўтказиш доимий эътиборимизда турибди, — дейди бу тadbирини ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси котиби, вилоят ҳокимлигининг ташкилий ишлар ва қарор масаласи Абулмутил Асеров. — Булажак сайловга катта тайёргарлик билан киришилади. Жойларда худудий семинарлар ва тегишли тadbирлар ўтказилди. Сай-

ловга оид ҳужжатлар ўз вақтида маҳаллаюшга етказилди. Ҳозир сайловлар қизган. Сайловчилар ва уларнинг вакиллари муқобиллик асосида номзод танлашга жиддий эътибор қаратишапти.

Вилоятда 635 та маҳалла ва 147 та қишлоқ фуқаролар йиғинида сайлов ўтиши режалаштирилган. Ҳозирча 309 та маҳалла оқсоқоли сайланди. Ваҳоланки, 309 та маҳалла оқсоқоллигига 635 та номзод қўйилган. Бу сайловлар демократия ва ошқораликка асосланган ҳолда ўтаётганидан далолатдир. Барча йиғинларда оқсоқолнинг ўтган давр мобайнидаги ишлари тўғрисидаги ҳисоботи эътибор билан тингланаяпти. Унда иштирок этган 15203 нафар сайловчи вакилларида 1338 нафари сўзга чиқди: Маҳалла оқсоқолларининг 40 фойдан ортигини биринчи бор сайланганлар ташкил этапти.

Шаҳарча, қишлоқ ва овул йиғинлари бўйича сайлов ҳозирча 30 жойда ўтказилди. 30 оқсоқол 165 нафар номзод ичидан танлаб олинди. Уларда 2496 нафар сайловчи вакиллари иштирок этди.

Сайловни ўтказишга

кўмаклашувчи вилоят комиссиясининг маълумот беришича, шу кунгача сайланган 339 нафар раис (оқсоқол)нинг 185 нафари оддий маълумотли. Уларнинг 27 нафарини 40 ёшгача бўлганлар, 101 нафарини 50 ёшгача, 127 нафарини 60 ёшгача, 84 нафарини эса 70 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Сайланган 2636 нафар маслаҳатчининг салкам яри оддий маълумотли мухтаassisлар. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида аёллар ҳам салмоқли ўрнини эгалляпти. Ҳозирча раислар сафида уларнинг вакиллари 44 нафарини, маслаҳатчилар орасида 704 нафарини ташкил этапти. Шунингдек, тайинланган 335 нафар маъсул котибининг 190 нафари хотин-қизлардир.

Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, вилоятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайловчи ошқоралик, муқобиллик асосида ўтлапти. Энг аҳамиятлани, халқ ўз етакчиларини танши-билиши, ошпа-оғайини орасидан қилад, Ватан ва элга хизмат қилмаган кишилар орасидан танламоқда.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

— Аввало, шунга таъкидлаш керакки, — деб сўз бошлади адабиётшунос олим, — комил, фидойи инсон тушунчаси анча қадим тарихга эга. Шу боис комил инсоннинг маънавий қиёфасини ажлоларимиз қандай тасаввур этгани ҳусусида мулоҳаза юритсак. Алломаларимиз бу мавзуда қадимда кўп ва хўп асарлар битган. Айниқса, XIII асрда яшаб ижод этган аллома Азизиддин Насафийни комил инсон илмининг назариясига, дейиш мумкин. Унинг «Китоб ал-инсан ал-камил» асарини шахсоннинг етуклиги бир қадар аниқ ва равшан ифода этилган.

«Билгилик, — деб ёзди муаллиф, — комил инсон шундай инсондирки, унда куйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, эзгу ишлар, яхши ахлоқ ва маърифат. Комил инсон учун халққа наф келтиришдан кўра фойдаланганроқ иш ва яхшироқ тоат йўқдир. Ва унинг учун энг улуг роҳат — бирор иш, бирор сўз билан бу дунёда кишиларнинг мушкулларини осон қилиш, оламнинг бало-фитналаридан сақланишга ёрдам беришдир».

Алишер Навоий бобомиз табири билан айтганда: **Кимса юз йил қамроғлик қилса билмас, арзимас, Дахр аро бир ахза бўлмадики бирор қомил била.**

Бу байт, «Юз йил бахтиёр яшашган инсондан бирорини бир ҳаққига хурсанд қилган одам бахтиёрдир», деган фикрни аналтади.

Суҳбат мавзусига келсак, менинча, зикр этилган фазилатлар, фидойилик ва Ватанга муҳаббат замонавий қаҳрамоннинг маънавий қиёфасини аналтувчи асосий белгилар, омиллардир. Комил инсон тушунчаси бугун олдинмишда турган улкан вазифар — фуқаролик жамиятини қўриш, овоз ва обод Ватан учун фидойи фарзанд бўлиш тушунчалари билан чамбарчас боғланган кетди.

Зикр этилган фикрларни жамлаб айтганда бўлсам, замонавий қаҳрамонлари — комил инсонлари ўзига юксак инсоний фазилатларни муҳасам этган, маънавияти юксак, эл-юртга наф келтира оладиган, эзгу ишларни амалга ошираётган, Ватан шарафини, миллат ор-номусини, халқ манфаатини учун қайғурувчи фидойи кишилардир.

Дарҳақиқат, оддий йиптири Фарҳод, одатдаги бир мулкдорини Хотам Тош, факрини пир-аълини қўрган ҳам фидойилардир. Шу маъно-

да, фидойилик ҳам қаҳрамонликнинг бир кўринишидир.

— Гап қаҳрамонлик ҳақида борар экан, ёшларимизда оқлар Павлик Морозов идеал қилиб кўрсатилган асарларни ўқиганимиз. Унда донни яширган ота кўпроқ айбдорми ёки отасини сотган Павлик Морозовми? Умуман, инсон тарбиясида, аввало, ниғома алоҳида эътибор бериш керак?

— Бу ҳусусда фикр билдиришдан олдин Юрбошимизнинг агентлигининг муҳбири саволларига жавобан айтган куйидаги доно ва ҳикматли сўзларини зикр этиш лозим: «Агар биз ўз кучи, салоҳиятига ишонмадик, боқимандликни ор деб билмадик, энг ривожланган мамлакатларнинг илгор кишилари билан тенга-тенг муоамала қила оладик, оқин қоралдан, яхсини ёмондан ажрата билмадик, бу мураккаб, бешафкат ҳаётнинг пасту баланд, тангу тор кўчаларида Оллоҳ берган ақл-заковати билан тўрт йўлни аданмай топа олмадик қодир бўлган баркамол авлодга тарбиялаб етиштирсак, ўйлайманки, ўз мақсадимизга тўла эришган бўламиз.»

«Фидойилик» кўрсатган Павлик Морозов ҳам, унинг отаси ҳам бирдек айбдор. Негаки, уил ўз отасини сотди, оқларидан қилди. Унинг бу қадар беъмехр, қаттабин ва худбин бўлиб етишишида эса ота айбдор. Агар ўғлини ахлоқли, меҳр-оқибатли, ақл-заковатли қилиб тарбиялаганда эди, у ўз мақсадига эришишга, «қаҳрамонлик» намунасини кўрсатишга ҳар қанча кучли иштиёқи бўлганда ҳам, бу йўлни тутмас, аксинча, бирор чорасини топган, жила курси бу ҳақда унга айтган бўлар эди.

Энди масаланинг яна бир, менинча, энг муҳим жиҳати-га эътибор берилайлик. Аёнки, қаҳрамонлик кўрсатиш учун бажан инсон ўз жонини фидо этишга, бу билан ўз яқинларига озор етказишга тўрт келади. Хўш, Павлик Морозовни қаҳрамон деб аташ мумкинми? Албатта, йўқ. Чинакам қаҳрамонлик асосида яхши ахлоқ ва инсонийлик ётади. Бу сўз қаҳрамонликни даъво қилиб бўлмайди.

Мамлакатимизга суқилиб киришга уринган террорчи тўдаларга қарши курашга отанди, Ватанимизнинг мустақиллигини асраб қолиш учун, ота-она, эл-юрт тинчлиги учун жонини фидо этган юртошларимиз чинакам қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Халқимизнинг ана шундай мард ўғлонларини бир оқлардан билан асло таққосламоқчи эмасман, балки уларнинг қаҳрамонликлари юксак ахлоқ меъаси эканини, қаҳрамон яхши ахлоқ бўлишини таъкидламоқчиман. Қаҳрамонларимиз-

нинг муқаддас ёдини барчамиз қалб тўрида эъзозлаймиз, улардан ибрат оламиз, фарзандларимизга намуна қилиб кўрсатамиз.

Назаримда, уларнинг қаҳрамонликларининг ибратли томони шундаки, жон фидо этишларидан яқинларига озор етган бўлса-да, оқ сўт бериб, тарбия қилган ота-оналари ҳам, эл-юрт ҳам улардан мингдан минг рози бўлди. Одамлар «менинг ўғлим ҳам шундай жасурат кўрсатса рози бўлар эдим», дея ҳавас қилдилар. Қаҳрамонларимиз миннатдор халқимиз хотирасида абадий қолади, қариндошлари «менинг жигарим улугвор иш қилган», дея фахрланиб юради. Чинакам қаҳрамонлик олқини-фахрда энг муносиб хайри амалдир.

Тарбия масаласига келсак, худди шу қаҳрамонларимизнинг яқинлари, маҳаллаюшларини, дўстлари улар ҳақида билдирган фикрлари билан жавоб бермоқчиман. «У лоқайд эмас куюнчақ, худбин эмас меҳрибон, жиззаки эмас мушоҳадали, сурбет эмас ориятли йигит эди», дейишган бўлади. Мана шу сифатларни тарбиялаб олган ота-она фарзандини тўрт тарбия қилдим, юзим ёруғ бўлади, деб ният қилса ҳеч ҳам алашмаган бўлади.

— Давр қаҳрамонларининг бадиий сиймосини яратишда асосий мезон нима?

— Атоқли адбимини Абдулла Қодирий «Уткан кунлар» романини ёзишдан аввал Марғилон кўчаларини чойналаридега кезган, одамлар билан қўллаб суҳбатлар курган, изланган экан.

Мақсад — асар қаҳрамонлари кечирган ҳиссиётларини «таъби қўриш», уларнинг кечинларини ва руҳий ҳолатларини тасаввур этиш бўлади. Муаллиф асар қаҳрамонларининг меҳру вафосини, ориятли, одамгарчилигини ўзига тасаввур қилгани, идрок этгани боис «Уткан кунлар» ўзига хос таъсирчан чиққан. Бу асарнинг ханузгача қўлма-қўл бўлиб ўқилаётганининг сабаби ҳам шунда.

Ёки Абдулло Раипов ва Эркин Воҳидовнинг «Ўзбекистон», «Ўзбекистон» шеърларини олайлик. Бу мавзуда битилган шеър қаммида? Бу шеърларнинг муваффақият қозониши сабаби шоир битаётган мавзусини қалбдан ҳис қилганида, юракдан ёганидир.

Шундан келиб чиқиб, инсонча билан айтиш мумкинки, қаҳрамонлар бадиий сиймосини яратиб учун ижодкор, аввало, ўзи шундай комилликка дахлдор бўлмоғи лозим. Аминан, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини мана шундай асарлардан баҳраманд ҳолда англаган инсон оқини қоралдан, яхсини-

ни ёмондан ажрата олади, кучли мафқуравий иммунитет соҳиби бўлади. Бундай инсонга ҳеч қандай ёмон иллат «юқмайди».

Биз юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида баркамол авлодга овоз ва обод Ватан қолдиришни мақсад қилган эканмиш, бугунги адабиётимиз, санъатимиз мана шундай одамлардан бири шу эмасми?

Кишининг фидойилиги, Ватанга муҳаббати, аввало, гузарда, маҳаллада билинади. Маҳалла ахли одамларнинг юриш-туруши, оила тутиши, худқ-атворига қараб баҳо беради. Яъни одамлар обрў-эътиборини, аввало, маҳаллада қозонадилар. Одамнинг қамолоти, маънавий етуклиги ҳам ўз маҳалласи, жамоасидаги мавқеи, обрўси билан ўлчанади. Мана шу обрў-эътибори кенгайиб, тобора ривожланиб, бутун жамият, мамлакат мийқисига қўтарилиши мумкин.

Аслини олганда, комил инсонлар кўпчиша шу тарихда кашф этилади.

— Сизнингча, комил инсон учун ҳаётда, турмушда энг азиз ва энг муҳим нарса нима?

— Комил инсонларнинг буюклиги шундаки, улар маънавиятини моддий дунёдан устун қўйлашади. Моддий дунёни мақсад деб эмас, балки восита деб билдилар. Кўнгл улур учун Катба, илоҳ ва саждаго қабилар.

«Насойим ул- муҳаббат» да келтирилган қуйидаги ҳаётий воқеага эътибор берилайлик. «Исмоил Даббос дедиким, ҳаж нияти қилиб, борурда Шерозга етишим. Бир масжидга кирдим, ўтириб хирқасин ямайду эрди, салом қилдим ва ўлтирдим. Мендан сўрдиким, не ниятинг бор? Дедим: ҳаж ниятим бор. Дели: онанг борми? Дедим: бор. Дели: ёниб (қайтиб) онанг мулозиматида бор... Мен эллик ҳаж қилибман — бош яланг, оёқ яланг ва зоду ҳамроҳим. Барчасин сенга бердим, сен онанг кўнгли шодлигин менга бер!»

Қаранг, маънавияти ҳамма нарасидан устун қўйиб, кўнглини шод этишни нақадар улур ва савобли иш деб билди комил инсон. Ўзилдан бошқани кўнглини олиши ва ўзгаларга наф етказиши, бу бундай ҳар қандай машаққатга тайёр туриш қомилликка элтүүчи йўл эмасми?

Бундай маънавияти юксак одамлар — ҳар бир жамиятнинг онги ва қалби, тирик виждони. Элим деб, юртим деб ёниб яшовчи, меҳнат қилүүчи, одамларга ибрат кўрсатиб, яхшилик уруғини соғувиш комил инсонлар даврининг чинакам қаҳрамонларидир. Биз улардан қанча ўрнақ олсак, уларнинг қандай эъзозласак арзийди. Шунда биз ҳам комиллик сари бир қadam ташлаган бўламиз.

Элбек ХОЛИҚОВ суҳбатлашди. (ЎЗА).

ни кўраимиз. Бу комил инсоннинг маънавий ёниқ қалби, улуг ишларга сафарбар этүүчи таълимоти, фидойилиги ҳаммамизга ибратдир. Ватанин севишни, эл-юрт дарди билан ёниб яшашни, меҳнат қилишни, тафаккур теранлигини шу инсондан ўргансак арзийди.

Халқ тилидаги «яхши одам», «бамаъни одам», «беозор одам», «ҳамиятли одам», «кўнгли тоза одам» каби баҳо ва сифатлашларда гап кўп. Халқ ўз тажрибасида обдон синаб, кейин бундай сифатларни ҳаётда қўллашади.

Халқ наздида ана шундай эътиборга сазовор инсонга ҳавас қиламай, эргашмай бўладими? Айтинг, инсонни қомилликка чорловчи омиллардан бири шу эмасми?

Кишининг фидойилиги, Ватанга муҳаббати, аввало, гузарда, маҳаллада билинади. Маҳалла ахли одамларнинг юриш-туруши, оила тутиши, худқ-атворига қараб баҳо беради. Яъни одамлар обрў-эътиборини, аввало, маҳаллада қозонадилар. Одамнинг қамолоти, маънавий етуклиги ҳам ўз маҳалласи, жамоасидаги мавқеи, обрўси билан ўлчанади. Мана шу обрў-эътибори кенгайиб, тобора ривожланиб, бутун жамият, мамлакат мийқисига қўтарилиши мумкин.

Аслини олганда, комил инсонлар кўпчиша шу тарихда кашф этилади.

— Сизнингча, комил инсон учун ҳаётда, турмушда энг азиз ва энг муҳим нарса нима?

— Комил инсонларнинг буюклиги шундаки, улар маънавиятини моддий дунёдан устун қўйлашади. Моддий дунёни мақсад деб эмас, балки восита деб билдилар. Кўнгл улур учун Катба, илоҳ ва саждаго қабилар.

«Насойим ул- муҳаббат» да келтирилган қуйидаги ҳаётий воқеага эътибор берилайлик. «Исмоил Даббос дедиким, ҳаж нияти қилиб, борурда Шерозга етишим. Бир масжидга кирдим, ўтириб хирқасин ямайду эрди, салом қилдим ва ўлтирдим. Мендан сўрдиким, не ниятинг бор? Дедим: ҳаж ниятим бор. Дели: онанг борми? Дедим: бор. Дели: ёниб (қайтиб) онанг мулозиматида бор... Мен эллик ҳаж қилибман — бош яланг, оёқ яланг ва зоду ҳамроҳим. Барчасин сенга бердим, сен онанг кўнгли шодлигин менга бер!»

Қаранг, маънавияти ҳамма нарасидан устун қўйиб, кўнглини шод этишни нақадар улур ва савобли иш деб билди комил инсон. Ўзилдан бошқани кўнглини олиши ва ўзгаларга наф етказиши, бу бундай ҳар қандай машаққатга тайёр туриш қомилликка элтүүчи йўл эмасми?

Бундай маънавияти юксак одамлар — ҳар бир жамиятнинг онги ва қалби, тирик виждони. Элим деб, юртим деб ёниб яшовчи, меҳнат қилүүчи, одамларга ибрат кўрсатиб, яхшилик уруғини соғувиш комил инсонлар даврининг чинакам қаҳрамонларидир. Биз улардан қанча ўрнақ олсак, уларнинг қандай эъзозласак арзийди. Шунда биз ҳам комиллик сари бир қadam ташлаган бўламиз.

Элбек ХОЛИҚОВ суҳбатлашди. (ЎЗА).

Бугун уч-тўрт киши тўпланган жойда суҳбат мавзуси дарров фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилаётган сайловларга бурилади. Маҳалла, қишлоқ ва шаҳарча фуқаролар йиғини раислигига кимнинг сайланиши ҳаммани бирдай қизиқтирапти. Албатта, оқсоқол фаолиятини ҳар ким ўзича талқин қилади. Ва гадаги сайловда узларига етакчиликка муносибларнинг муносибини танлашга интилади.

Тошкент вилоятидаги шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалларда ҳам сайловга тайёргарлик шу рўда ўтапти. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказиши ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисидаги намунавий низомига кўра, оқсоқоллик қўштинрадиган, ташаббускор ва тажрибали, обрў-эътиборли инсонларнинг номзодларини кўрсатишга ҳаракат қилинапти.

Сайловни

БУХОРОЛИК УЧ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Маълумки, яқинда Россиянинг Тверь шаҳрида кураш бўйича 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида иккинчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда 10 мамлакатдан келган икки юзга яқин ёш полвонлар беллашди.

Ўзбекистон терма жамоаси таркибига қатнашган бухоролик ёш полвонлар ҳам гиламда нималарга қодир эканликларини намойиш қилишди. Олот туманидаги 7-олимпия спорт мактаб-интернати тарбияланувчилари бу нуфузли турнирда муносиб иштирок этди. Малик Қодиров (45 килограмм), Ақобир Туробов (77 килограмм) ва Алишер Қурёзов (77 килограммдан юқори) вази тоифаларида барча рақиблари курагини ерта тегизиб, «жаҳон чемпиони» деган фахрли унвонга сазовор бўлди.

Ўзбекистон терма жамоаси таркибига қатнашган бухоролик ёш полвонлар ҳам гиламда нималарга қодир эканликларини намойиш қилишди. Олот туманидаги 7-олимпия спорт мактаб-интернати тарбияланувчилари бу нуфузли турнирда муносиб иштирок этди. Малик Қодиров (45 килограмм), Ақобир Туробов (77 килограмм) ва Алишер Қурёзов (77 килограммдан юқори) вази тоифаларида барча рақиблари курагини ерта тегизиб, «жаҳон чемпиони» деган фахрли унвонга сазовор бўлди.

Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.

Таълим ва тарбия. Бу икки тушунчанинг бир-бири билан қанчалик боғлиқ эканлигини тасаввур қилиш учун мутафаккир ёхуд олим бўлиш шарт эмас. Педагогика эса ана шу узвий жараёнда ҳам илмий-назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан фаол иштирок этади. Таъбир жоиз бўлса, баркамол шахсни, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш жараёнидаги тамал тошларидан бири ҳам айнан педагогика (тарбияшунослик) кўяди. Демак, бугунги ўзбек педагогикасининг олдида жуда катта вазифалар турибди.

Бу масъулият юқори малакали мутахассислар тайёрлашга бевосита хизмат этувчи тарбияшунослик фаннинг тараққиёт даражасига ҳар томонлама боғлиқ.

«Ўзбек педагогикаси» деган атамани қўладик. Таъкидлаш жоизки, бу — совет педагогикасининг нуҳаси ёхуд таржимаи асас. Унинг асосида Макаренко ёки Ушинский назариялари ётмайди. Аксинча, бу педагогика ҳалқимизнинг ўлмас маънавий меросидан озиқ олади.

Ўзбек педагогикасига илмий таъқиқот нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, шу пайтгача бизга номаълум номларни учратамиз. Ботир Саидов дейсизми? Бу руйхатни истаганча давом эттириш мумкин. Биргина Хосият Тиллахонова олинг. Унинг маданий мероси, педагогика ривожига қўшган ҳиссаси, агар қисқаслаш мумкин бўлса, Крупскаяникидан юқори туради.

Таълим тарихига назар ташлар эканмиз, мазолик ҳам энг муҳим, бош масала — инсон, уни баркамол вояга етказиш бўлганлиги ойдинлашади. **Кўхна манбаалардан бошлаб кейинчалик пайдо бўлган таълимий-ахлоқий асарларда ҳам назарий, ҳам амалий масалалар тахши этилганки, унинг асосида шахсни маънавий жиҳатдан юксак даражада шакллантириш жараёни ўқ илдиз сифатида кўринад.**

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутлу бил» асаридан бошлаб Кайкушоннинг «Кобуснома», Аҳмад Юнганнинг «Ҳибат ул-ҳақоийк», Саъдийнинг «Гулiston», Алишер Навоийнинг

«Маҳбуб ул-қулб» ёки йигирманчи асрнинг бошида яратилган Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» каби дидактик асарларининг ҳар бирини ўзига хос сабақлар мажмуи, десак янглишмаймиз. Бутун олиб бораётган педагогик илмий таъқиқотларимиз ана шундай улғур меросдан қувват олган. Шунинг учун ҳам ўзбек педагогикаси мазмунан янгиланаётган, дейишга ҳақлигимиз.

Хўш, бу нималарда ўз аксини топмоқда?

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий таъқиқот институти жамоаси миллий, маънавий қадриятларимиз ва жаҳон педагогика фани илмий асосларига таъинган ҳолда, ўрта умумтаълим мактаблари учун 17 та фан бўйича Давлат таълим стандартларини яратди. Икки жилдлик «Ўзбекистон тарбияшунослик қомуси»ни, уч жилдлик «Педагогика» дарслиги тузиш ва нашрга тайёрлаш ишлари тугалланди.

Мана, Миллий дастурни амалга оширишнинг биринчи босқичи яқунланаяпти. Унинг иккинчи босқичида таълим-тарбия жараёни янги педагогик технологиялар билан тўла таъминланади. Умумий ўрта таълим мактабларидаги ўқув-тарбиявий жараёнинг илгор технологиялар билан қуролланиши ўқувчиларнинг мустақил фикр юртишини, ижодий фаолият кўрсатишини қароқоталайди. Бу ҳодиса маълум педагогик тизим доирасида кечадди, албатта. Аслида ҳам ижтимоий таъриба унсурлари — билим, кўникма, малака, ижодий шахс сифатлари шаклланиши педагогик жараён маҳсулидир. Шу билан биринчи интиқда янги педагогик технологиялар илмий асослари лабораторияси, таъриба-синов жараёнини мувофиқлаштириш маркази ташкил этилган.

Ушбу лаборатория ва марказда таълимий ривожлантиришнинг янги босқичида табақалаштирилган ёндашув асо-

сида педагогик технологиянинг муаммолари, янги педагогик технология принциплари ва сифат кўрсаткичлари, чет эл дидактикасида педагогик технология концепциясининг ривожланиш тарихи, таъриба-синов жараёнининг кечмиши ўрганилди. Шу йўналишдаги таъқиқот натижалари юзасидан учта йirik илмий тавсиянома яратилди, йигирмадан ортиқ мақолалар турли нашрларда чоп этилди. Пировардида «Янги педагогик технологиялар: назария ва амалиёт» китоби юзатга

дагикисининг ривожланиш манбаларида асрлар давомида таркиб топган халқ тарбияшунослиги, урф-одатлари, анъаналари, жаҳон педагогикаси ва замонавий тарбия таъриба-синов ифодасини топиб бормоғи лозим. Шундай экан, «Ҳозирги педагогика фанининг илмий асослари қайси йўналишларда ривожланиши керак?» деган савол туғилиши табиий.

Биринчидан, педагогика фани сифатида мустақам маъқега эга бўлиши зарур. Бу, айниқса, ҳозирги даврда жуда муҳим. Иккинчидан, педагогик инновация, педагогик меҳнат, ижтимоий педагогика, ахборотли таълим каби таркибий қисмларни жадал ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Бу назарий муаммолар янгилаётган педагогика концепциясида ўз ифодасини топи. Ва шу асосда институти мида «Ўзбекистон Республикаси улдуксиз таълим тизимида миллий мафқурани шакллантириш жараёнида ўзбек халқи маънавий мероси ва жаҳон таълими таърибасидан фойдаланиш», «Улдуксиз таълим тизимида миллий мафқурани шакллантириш шароитида маънавий баркамол шахсни тарбиялаш», «Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларда ёш авлод маънавий маданиятини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари» каби Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси режасига киритилган ўндан ортиқ долзарб муаммолар устида илмий-таъқиқот ишлари олиб борилаётди.

Бу ишларни амалга оширишда ҳуқуқимизнинг моддий ва маънавий ёрдами аямаяпти. Ўз фаолиятимизда Халқ таълими вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитасининг мададига ҳам таянмоқдамиз. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ҳозирги замон педагогика фанининг ривожига янада сезиларли ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

Ислом ТУРСУНОВ, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-таъқиқот институти директори, профессор.

«Маҳбуб ул-қулб» ёки йигирманчи асрнинг бошида яратилган Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» каби дидактик асарларининг ҳар бирини ўзига хос сабақлар мажмуи, десак янглишмаймиз. Бутун олиб бораётган педагогик илмий таъқиқотларимиз ана шундай улғур меросдан қувват олган. Шунинг учун ҳам ўзбек педагогикаси мазмунан янгиланаётган, дейишга ҳақлигимиз.

Хўш, бу нималарда ўз аксини топмоқда?

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий таъқиқот институти жамоаси миллий, маънавий қадриятларимиз ва жаҳон педагогика фани илмий асосларига таъинган ҳолда, ўрта умумтаълим мактаблари учун 17 та фан бўйича Давлат таълим стандартларини яратди. Икки жилдлик «Ўзбекистон тарбияшунослик қомуси»ни, уч жилдлик «Педагогика» дарслиги тузиш ва нашрга тайёрлаш ишлари тугалланди.

Мана, Миллий дастурни амалга оширишнинг биринчи босқичи яқунланаяпти. Унинг иккинчи босқичида таълим-тарбия жараёни янги педагогик технологиялар билан тўла таъминланади. Умумий ўрта таълим мактабларидаги ўқув-тарбиявий жараёнинг илгор технологиялар билан қуролланиши ўқувчиларнинг мустақил фикр юртишини, ижодий фаолият кўрсатишини қароқоталайди. Бу ҳодиса маълум педагогик тизим доирасида кечадди, албатта. Аслида ҳам ижтимоий таъриба унсурлари — билим, кўникма, малака, ижодий шахс сифатлари шаклланиши педагогик жараён маҳсулидир. Шу билан биринчи интиқда янги педагогик технологиялар илмий асослари лабораторияси, таъриба-синов жараёнини мувофиқлаштириш маркази ташкил этилган.

Ушбу лаборатория ва марказда таълимий ривожлантиришнинг янги босқичида табақалаштирилган ёндашув асо-

Назира Мираҳмедовани Янгийўлда кўпчилик танийди. Маҳалладошларининг ҳурмат-эътиборини қозонган таъбиркор аёл. Ҳозирда туманда онанинг «Сафарма» ҳусусий дорихонаси ва бир неча савдо шохобчалари фаолият кўрсатаётир.



Она ҳар йили кам таъминланган ошларнинг 15-20 нафар фарзандларига хатна тўйи қилиб беради.

Саховатпеша таъбиркор

Яхши кунларида бирга бўлади. Назира онанинг эл-юрт эҳтиромига сазовор бўлишида ана шу саховатпешалиги ҳам сабаб бўлса не ажаб?



СУРАТЛАРДА: таъбиркор Назира Мираҳмедова ҳамқишлоқлари билан; «Сафарма» дорихонасида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Мазмунан янгиланаётган ўзбек педагогикаси

ALQUR advertisement for aluminum products, including text about services and contact information.

Экологик ҳамкорлик (EKOSAN) advertisement for ecological services.

КАБЕЛЬ ЛАМПАЛАР ЁРИТГИЧЛАР advertisement for cables and lighting.

Шўро тузуми даврида монополистик ҳуқуққа эга бўлган ягона банк тизими томонидан кўйилган барча талаблар мижозлар учун қонун ҳисобланарди. Банкининг узоқ-яқинлиги, мижозларнинг қачон ва қай пайтда келиши билан деярли ҳисоблашмас, бошқача қилиб айтганда, банк мижоз учун эмас, мижоз банк учун хизмат қиларди.

Катта мақсадли кичик филиаллар advertisement for banking services.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ advertisement for the university.

Катта мақсадли кичик филиаллар advertisement for banking services.

УКНИНГ... УКИНГ...

Миннатдорчилик
Еримни қайтариб олдим

Хурматли тахририят ходимлари!
Ушбу мактубимни оддий дехқоннинг миннатдорчилик хати сифатида қабул қилгайсизлар. Гап шундаки, мен бундан уч-тўрт ойча бурун «Халқ сўзи»га кетма-кет икки бор шикоят йўллагандим. Уларда менинг «Жамшидбек» фермер хўжалигимга қарашли экин майдони «Бухоро» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси томонидан гайриқонуний равишда олиб қўйилганини баён этгандим. Тахририятдан фермерлик ҳуқуқимни ҳимоя қилиб, еримни ўзимга қайтаришда ёрдам беришни сўрагандим. Сизлар аризаларимни эътиборсиз қолдирмай, жойида ўрганиб чиқиш ва зарур чора-тадбирлар белгилаш учун туман ҳокимлигига жўнатган экансизлар. Шунга кўра, ушбу можа ро мутасадди раҳбарлар ва мутахассислар иштирокида атрофлича муҳокама қиланди. Пировардида менинг беҳуда азият чекишимга сабабчи бўлганлар жазоландилар. Экин майдоним ўзимга қайтарилиб, уша кунгёк шудор қилинди. Текислаш ишлари амалга оширилиб, сув билан таъминланди. Шу тариқа ҳақиқат қарор топди. Менинг икки йилдан буюн идорама-идора югуришларимга чек қўйилди. Бунинг учун севимли газетамдан беҳад миннатдорман.

Самандар ҚУТЛИЕВ, Қоракўл туманидаги «Жамшидбек» фермер хўжалиги раҳбари.

Қатрлар
Бола — пошшо

Транспортдаги эрталабки, кечки пайтдаги тиқилинч бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Уч яшар ўғилчасини етаклаб, қизчасини кўтариб олган аёл автобуснинг олди эшигиндан чиқди-да, ўриндиқлардаги кексаларга кўзи тушиб, тутқични ушлади, ҳали уйқуси таркаматан-лиги билиниб турган ўғлига секин шивир-лади: «Той, кўйла-гимни маҳкам ушлаб турин, хўпми?» Бола ҳеч нарсага тушун-май, онасига қаради. У костюм барини боланинг қўлига тутқазди. Бунни кузатиб турган кекса бир киши аста ўрнидан турди-да, кичкинтойни даст кўтариб жойига ўтқазди. —Вой, амаки, сизни турғизамизми, ўтираверинг. Бу катта бола, Сиздай бўлгунча ҳали кўз ўтиради, — деди хижолат чекиб аёл. — Мен болаларга жой беришман, қўзим, — дея кулимсиради амаки. — Ахир булар пошшо-ку...

Чин дугоналар

Адолатхон кейинги пайтларда ғалати бўлиб қолди. Ҳеч ким билан гаплашмаси келмайди. Телевизорни чарчатадиган қизинг у билан ҳам иши йўқ. Нуқул дераза олдида хаёли суриб турганини пайқаб қоламди. Орадан ҳафта, ўн кун чамаси ўтди. Ҳатто бир кун опалари ўртга олиб, «Нима бўлгунча ўзи сенга, ҳақилдан битта-яримтаси хат-пат ёздими?» дея ҳазил қилишганимга қулোগимга чалинувди. Бир-икки марта «Ҳеч қасринг оғрима-гитими, ишқилиб» деб сўрадим ҳам, аммо бафуржа гапланишга... Охири бўлмади, уйда бўлган куним энимга олдим. Дарси, мактаби, ўқитувчилари, ўртоқлари ҳақида сўрай бошловдим, у билан йиғлаб юборди. Неча кундан бери йиғилиб турган патос ёрилгандек бўлди. Кўрқиб кетдим. — Опажон, Ҳилоллар кўчиб кетишди, — деди-ю, баттар хўнграб йиғлади... Адолатхоннинг биринчи синфдан буюн мактабга бирга бориб, бирга келадиган чин дугонаси шу Ҳилола эди. Улар ҳовли-жой қилиб кўчиш таралдуида юришганди. Демак, кетишган. — Ҳилолли кўргим кевотти, опажон, худаям соғиндим. Мактабдаям ғалати бўвотман, — қўзим ҳеч йиғидан ўзини тўхтатолмасди. Нима дейишни билолмай, бироз гарангисиб қолдим. — Бундоқ қиламиз, — гап бошладим. Қўзим, худди мен дугонасини ҳозир топиб берадигандек, кўз ёшларини арта бошлади. — Унинг телефон қилишини кутамиз. Янги уйининг адресини билиб, кейин меҳмон бўлиб борамиз. Келишидими? — Ростдан олиб борасизми? — Албатта-да. Шу сўбатимиздан кейингина қўзим аввалги ҳолатига қайтгандек бўлди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, Ҳилоланинг ўзи кириб келди уйимизга. Назаримда, унинг ҳам кўзлари киртайиб қолгандек эди...

Умида ФАЙЗИЕВА.

ҲИҚМАТ
Жамоатнинг мулкига кимки қилур хиёнат, Элдан қочиб қутулмас унда-йин бедиянат.

— Сен Сора опанинг синглисимсан? — деб сўради уларнинг бири. Сўнг бошдан оёғимгача қараб, оғир хўрсиниб қўйди. Устимда ямоқ солинган кўйлак, яланг бош, яланг оёқ эдим. Мен секингина «Розияман», дедим. — Сен уйинга тушар экансан-а? — Озгина, — дедим уялиб. Майда сочли опача дарста қирқаркан, «Розия, дарсадан сўнг ётоққа ўтгин», дея та-йинлади. Ҳайрон бўлиб турган эдим, Моҳтоб опанинг: — Розия, — деганидан чўчиб тушдим. — Бу қизлар-ни таъинсанми? Майда соч-лиси Мукаррама Турғунбое-ва, ўртоғи Ҳалима Раҳимова. Булар рақсга тушади... — Етоққа қирдим. Бир тўда қизлар йирилган. — Қани, Розия, уйнагин-чи, — деди улар ва ёқимли оҳангда қарсақ чалишди. Мен уялибгина уйнадим. — Яхши уйнар экансан. Ёзги таътилда ҳаваскор ансамблнимиз билан Фарғона-нинг қишлоқларида концерт берамиз, албатта, сени олиб кетаман. Шундай қилиб, Мукарра-



Тўртта чўпни синдирмасдан 15 ни қандай яшаш мумкин? Кечаги жумбоқнинг жавоби: 1x1x1=1.

Бу ҳақда тахририят-тимизга биринчи бўлиб тошкентлик Нодирахон Юсупова, Қўбрай туманидан Каримжон Раҳимов, жиз-захлик Муқаллас Са-фаровалар 136-29-89 телефони орқали маълум қилишди.

Самарқанд вилояти дав-лат солиқ бошқармаси хо-димлари ўтказган «Чигит» операцияси давомида бир-йўла учта яширин ёғ цехи фаолиятига чек қўйилди. Уларнинг бири Пайариқ туманида яшовчи Суннат Болтаевга тегишли эди. Охири кун Суннат икки-та мойжувозда 120 кило-грамдан кўпроқ пахта ёғи ишлаб чиқариб, унинг 40 килограмминини сотишга олиб чиққан эди. Шу пайтда у солиқчиларга юзма-юз келиб қолди. Ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг ходимлари билан Суннатнинг хона-дониди назорат тартибидида текширув ўтказилганида, 4 тонна чигит, яна 72 кило-грамм пахта ёғи, 600 ки-

Хотирот
Бир раҳмат минг балодан қутқазар

Ота-онам вафотидан сўнг Марғилонда, болалар уйида тарбияланганман. Уша пайт-да опам Сора Каримова Фар-ғона педагогика техникуми талабаси эди. Бир-биримиз-дан хабар олиш қийинлигин-дан, опам мени техникум ошпази Орифжон ака Раҳи-мовга олтинчи фарзанд қилиб топширди. Унинг рафиқаси Моҳтоб опа идиш ювувчи бўлиб ишларди. Иккита ки-чик хонада саккиз жон яшар-дик. Мен Моҳтоб опанинг ишларига, укаларимга қараш-лар эдим. Бир кун танаффусга чи-қатган талабаларни томоша қилиб тургандим, иккита ёш қиз югуриб олдимга келиш-ди. Истараси иссиқ, сочлари майда ўрилган, кийимлари ўзига ярашган. — Сен Сора опанинг синг-лисимсан? — деб сўради уларнинг бири. Сўнг бош-дан оёғимгача қараб, оғир хўрсиниб қўйди. Устимда ямоқ солинган кўйлак, яланг бош, яланг оёқ эдим. Мен секингина «Розияман», де-дим. — Сен уйинга тушар экан-сан-а? — Озгина, — дедим уялиб. Майда сочли опача дарста қирқаркан, «Розия, дарсадан сўнг ётоққа ўтгин», дея та-йинлади. Ҳайрон бўлиб тур-ган эдим, Моҳтоб опанинг: — Розия, — деганидан чўчиб тушдим. — Бу қизлар-ни таъинсанми? Майда соч-лиси Мукаррама Турғунбое-ва, ўртоғи Ҳалима Раҳимова. Булар рақсга тушади... — Етоққа қирдим. Бир тўда қизлар йирилган. — Қани, Розия, уйнагин-чи, — деди улар ва ёқимли оҳангда қарсақ чалишди. Мен уялибгина уйнадим. — Яхши уйнар экансан. Ёзги таътилда ҳаваскор ансамблнимиз билан Фарғона-нинг қишлоқларида концерт берамиз, албатта, сени олиб кетаман. Шундай қилиб, Мукарра-



ма опа билан кетдим. У вақт-ларда меҳмонхоналар йўқ, чой-хонада тунар эдик. Бўйан ўзла-рига тўқ оилалар ҳовлиларига олиб кетишди, борган жойи-мизда супурги ва сув қерда-лигини билиб олиб, азонлаб ҳовлига сув селиб, супурар эдим. — Эртага Самарқандга жўнайсизлар. У ерда студия очилган, артистик таълимо-тидан ўқийсизлар, — деди. Мен «дўхтир бўлиш нияти-да» эканлигимни айтгандим, Қори Ёқубов: — Қизим, артистик ҳам дўхтирликдай яхши касб, саҳ-нага чиқсанг, томошабинлар олқишлайди. Раҳматлар айти-шадди. Бир раҳмат минг боло-дан қутқазди. Томошабинлар-нинг руҳлари кўтарилади, — деди. Уяланиб қолдим. Шу гап-лар минга санъат соҳасини тан-лашимга туртки бўлди. Улар билан жўнаб кетдим. Студияда Яҳё Маматхон-ов, Суйди Сотиболдиева, Қумри Қодирова, Тамара Иброҳимо-

Таклиф
Навоийнинг сурати қандай бўлиши керак?

Шу йил 9 февралда ша-ҳар-қишлоқларимиз бўйлаб буюк бобомиз, ўзбек адаби-ятининг асосчиси ҳазрат Али-шер Навоий таваллудининг 560 йиллиги кенг нишонлан-ди. Албатта, биз бундан гурурланамиз, ўтмишдошлар-имиз олдиндаги бурчимизни баҳол қиларат адо этасгани-миздан фарланамиз. Уз ўрнида мен бошқа бир масала — бобоклонимизнинг олий ўқув юртилари ва муас-саса-ташкилотларида осилиқ турган сурати ҳақида шахсий фикр-мулоҳазаларимни бил-диримоқчиман. Унинг табар-рух сиймоси пойтахтимизда ижод қилувчи ва маҳаллий

рассомлар томонидан турли кўринишларда, бир-бирини инкор этувчи ҳолатларда чи-зилмоқда. Бизнингча, Эрон музейларидан бирида сақланаёт-ган, номалум рассом томони-дан шoirнинг кексалик даври акс эттирилган, кўзлари қийқ, ҳасаса суянган, бироз букчай-ган кўриниши акс этган сурат дилга яқинроқдир. Бун тари-хий манбалар ҳам тасдиқлай-ди. Бироқ мени «Саодат» жур-налининг 2001 йилдаги 1-сон иккинчи саҳифасида чоп этил-ган сурат ажаблантирди. Шун-га асосланган андозавий порт-рет ҳам чиқарилган. Уларда шoirнинг юзи, кўзлари, мўйлови (қора), қомаги ноўх-

Баҳс
Аксариёт газетала-римиз «1 июн — Халқро болаларни ҳимоя қилиш кунини» руқни остида мақо-лалар беришмоқда. Кеча телевидение-да газеталар шарҳини олиб борган жур-налист руқнга ўз эътирозини билди-риб, бундай деди: «1 июн — Болалар-ни ҳимоя қилиш халқро кунини» бўли-ши керак!

«Ким ҳақ?» Ушбу баҳсга Вази-рлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атама-шунослик қўмитаси раиси ўринбосари, филология фанлари номзоди Ҳабибулла Бектемиров бундай деди: — Ушбу жиҳат-дан олиб қараган-да, телевидение шарҳловчисининг фикри асосли. Нева-ки, бу ўзбек тили қону-қондаларига ҳам мос келади. Би-ринчи ҳолатдаги «халқро» сўзида болаларга нисбатан сифат берилапти. Табиқки, бу маъно ўзгаршига сабаб бўлмоқда.

Солиқ тизимиди
Бирйўла учта цех...

ёнида 616 килограмм чигит, 350 килограмм кунжара уюлиб турарди. Бир бидон ёғ эса миқозларни кўтарди. Пахтачи туманидан Роҳи-ла Азизова яширин ёғ цехи-ни қўшини Ҳикматой Қи-личеванинг хонадонига оч-ган экан. Бун солиқчилар дарҳол пайқашди. Ўтказил-ган текширув давомида 800 килограмм пахта ёғи, 400 килограмм чигит, 150 кило-грамм кунжара далилий ашё сифатида олинди. Ҳар учала ҳолат бўйича жиноят ишлари қўзғатилди. Бошқа иложи ҳам йўқ эди. Яширин цехларда иш-

лаб чиқарилган ва ҳамқиш-лоқларга сотилаётган пахта ёғларининг таркиби ла-боратория текширувидан ўтказилганда, истемолга мутлақо яроқсиз эканлиги маълум бўлди. Демак, сохта тадбиркорлар ишлаб чиқарган ёғлари билан одамларни захарлаб келишган. Тадбиркорликнинг та-қиқилган турлари билан шуғулланиб келатган учарлар энди қонун олди-да жавоб берадилар. Ҳуқуқбузарларнинг тақди-ри бошқаларга сабоқ бўли-ши керак. Жасур НОСИРОВ.

«ЭКОЛОТ» ҚўШМА КОРХОНАСИ
Қўймати 500 сўмлик бўлган лаҳзали лотерейанинг 7-серияси, қўймати 100 сўм бўлган лаҳзали лотерейанинг 10-сериясини сотиш ниҳоясига етганлиги ҳақида хабар қилади.
Лотерейанинг юқорида кўрсатилган сериялари бўйича ютуқ чиққан лотерей чипталарини тўлов учун 2001 йилнинг 1 октябригача «ЭКОЛОТ» ҚҚга тақдим этиш мумкин.
МАЪНИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Шоҳрисоб» кўчаси, 1-уй, 6-қават, «ЭКОЛОТ» қўшма корхонаси.
Шу муддат ўтиши билан юқорида кўрсатилган серияларнинг ютуқли лотерей чипталари кучини йўқотади, ютуқ тўланмайди, эътирозлар қабул қилинмайди.
«ЭКОЛОТ» қўшма корхонаси маъмурияти.

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ ТАСАРРУФИДАГИ РЕСПУБЛИКА РАССОМЛИК КОЛЛЕЖИ
2001-2002 ўқув йилига қўйидаги мутахассисликлар бўйича танлов асосида қабул эълон қилади:
9 — 11-синфни тугатган ўғил ва қизларни таклиф этамиз.
1. Ранг-тасвир.
2. Дизайн.
3. Бадий ёғоч уймакорлиги.
4. Бадий нақш.
5. Бадий ганч уймакорлиги.
6. Лок миниатюраси.
7. Бадий либос.
8. Бадий заргарлик.
9. Бадий грии.
10. Бадий кулчилик.
11. Бадий шиша безаги.
12. Бутафория.
Арзилар 2001 йилнинг 5 июнидан 10 июнигача қабул қилинади.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 6-уй (мўлжал: «Хадра» майдони билан «Халқлар дўстлиги» майдони оралиги, «Қоратош» бекети). Тел. 43-07-65.

Ўзбекистон Республикаси Инкассация бирлашмаси маъмурияти бирлашма бош директори Ҳамдам Уноировга опаси Маҳфуза МАШАРИПОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
Тошкент давлат техника университети меҳнат жамоаси Тошкент кимё-технология институтининг ўқув ишлари бўйича ректор муовини Патхулла Исмаиловга волидан муҳтарамаси МАЪСУДАХОН аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билди-ради.
Марказий банкнинг Бухоро вилоят Бош бошқармаси жа-моаси Ўзбекистон Республикаси Инкассация бирлашмаси бош директори Ҳамдам Уноировга опаси Маҳфуза МАШАРИПОВАнинг бевақо вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билди-ради.
Республика «Ойла» илмий-амалий маркази жамоаси Мар-казнинг «Ойла ва ҳуқуқ» бўлими бошлиғи Бахтиёр Шерали-ева отаси Ҳайдар ШЕРАЛИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
Ўзбекистон Банкар асоциацияси департамент бошлиғи Сапарбой Жубаевга опаси Улуғаси ЖУБАЕВнинг вафоти муносабати билан таъзия билдилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ХОШИМОВ.
БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минакалар — 136-29-89; 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2415.
26127 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.
Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Набатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Набатчи муҳаррир — И. ЎТБОСАРОВ.
Набатчи — М. НОРМАТОВ.
Мусаҳҳих — Ш. МАШАРБОВЕВ.
• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчи-лар кўчаси, 32-уй.
Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан энди материаллар қабул қилинмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилади — 22.00
1 2 3 4 5 6